



Савол:

Бир аёлда ҳайздан икки кун олдин сариқ суюқлик келади. Шу суюқликнинг ҳукми нима?

Жавоб:

Агар бу суюқлик сарғимтил бўлса ва ҳайз келишидан олдин келса, уни ҳайздан саналмайди. Чунки, Умму Атийя ҳадисида: «**Биз покликдан кейинги сариқлик ва лойқаликни ҳеч нарсага санамас эдик**», дейилган (Бухорий: №326, Абу Довуд: №307, лафз уники). Агар бу сариқлик ҳайздан олдин келса, кейин ҳайз билан узилса, уни ҳеч нарсага саналмайди. Аммо, агар аёл киши ушбу сариқликни ҳайнинг бошланиши эканини билса, то пок бўлгунча кутади.

(Ибн Усаймийн: Мажмуъу фатава: 11/280)